

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА РАХНА СОЛУВЧИ ИЛЛАТ



ГЛОБАЛ МУАММОГА ГЛОБАЛ ЕЧИМ

Дунёнинг геосиёсий манзараси кун сайин ўзгариб бораётган (минг афсуски, ёмон томонга!) мураккаб бир даврда инсоният яшаши учун энг муҳим омил тинчлик ва хавфсизлик масаласи сўроқ остида қолиб кетаяпти.

2-саҳифа

“ЎЙЛОВСИЗ ЎЙИН”НИНГ ЎТИ ЎРЛАЙДИ

...Санжарбек жуда ақлли, тиришқоқ йигит эди. У ўзи танлаган олий ўқув юртига ўқишга кирди. Вақтлар ўтиб ўқишни тамомлаш фурсати етиб келди. У келажакка катта мақсад ва орзулар билан боқарди.

4-саҳифа

“ҚЎЛИ ОЧИҚ” ҲИСОБЧИНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

Бугун биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ҳисобчининг очкўзлиги, найрангбозлиги жамоа учун ҳам, ўзи учун ҳам қимматга тушди.

5-саҳифа

ТЕСТ ҚАЧОН БЎЛАДИ?

Қандай имтиёз ва ўзгаришлар бор? Ўқишга кирган талабаларнинг ижтимоий ҳимояси. Кўп сонли абитуриентларни қийнаётган саволлар.

7-саҳифа

“Тарихчи Геродотнинг ёзишича, эрамиздан аввалги VI асрда порахўрларга қаттиқ жазо қўлланилган экан: Эрон шоҳи Камбиз Сизам исмли қозини пора олгани учун терисини шилиб олишни ва у ўтирган қозилик курсисини ўша тери билан қоплашни буюрган.

“Сингапур 40 йилдан сал зиёд вақт ичида коррупция устидан тўлиқ ғалаба қозонган. Бунга Ли Куан Юнинг қуйидаги шиори орқали эришилди: “Коррупцияни енгаман десанг, дўстларинг ва қариндошларингни панжара ортига жўнатишга тайёр бўл!”.

“Жаҳон банкининг билдиришича, порахўрликка қарши фаол кураш олиб бориладиган мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти бир йил ичида 5 бараварга ошар экан.

“Олигарх Михаил Ходорковский коррупцияни ядро куролидан ҳам жиддийроқ хавф деб атаганди.



ДУНЁНИНГ геосийсий манзараси кун сайин ўзгариб бораётган (минг афсуски, ёмон томонга!) мураккаб бир даврда инсоният яшаш учун энг муҳим омил тинчлик ва хавфсизлик масаласи сўроқ остида қолиб кетаяпти. Айниқса, сўнгги кунларда Яқин Шарқ ва Форс кўрфазини минтақасида содир бўлаётган воқеалардан кейин бу тахликали тус олмақда.

Айрим мамлакатларнинг қўштирноқ ичидаги саъй-ҳаракатлари ёки фақат ўзларининг манфаатлари нуқтаи-назаридан туриб сиёсат юритиши, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Ириқ давлатлар ўртасидаги манфаатлар кураши кучайиб, жаҳон бозорида рақобат кескинлашмоқда. Демографик ва экологик номувозанатлик кучайиб, озиқ-овқат ва сув хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар жиддий тус олмақда. Буларнинг барчаси терроризм, экстремизм, наркотрафик, трансгегаравий уюшган жиноятчилик ва қуролли низолар шароитида содир бўлмоқда".



ГЛОБАЛ муаммога ечим



Борис АЛИЕВОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари,
Ўзбекистон Экологик
партияси Марказий
Кенгаши Ижроия
қўмитаси раиси:

— САММИТДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ МАЪРУЗАСИДА КЎРИБ ЧИҚИЛГАН МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА ШХТ ДОИРАСИДА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БИР ҚАТОР МУҲИМ, АНИҚ ВА УСТУВЧУ ЙЎНАЛИШЛАРДА ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ. Жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларида алоҳида тўхталиб, экологик муаммолар хавфсизлик ва барқарор тараққиётга жиддий таҳдид эканлиги ургу берилди.

Зеро, экологик муаммолар ижтимоий-ғоявий ва худудий чегара билмайди, уларнинг олдини олишда ягона самарали йўл дунё халқлари, барча миллат ва элатлар эътиборини табиат ва жамиятдаги номуносивлик ҳамда унинг кунсайин кескинлашиб бораётганлигига қаратиш лозим.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигида агроинновацияларни татбиқ этиш соҳасига доир концепция ишлаб чиқиш, ресурс тежайдиган ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш мақсадида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг "Яшил белбоғ" дастурини қабул қилиш бўйича билдирган тақдир дикқатга сазовордир. Минтақада иқлим ўзгаришига қарши курашиш, яшил технологияларни жорий этиш масалалари илгари сурилди. Маълумки, бугунги кундаги долзарб масалалардан бири озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир. Яқин келажақда, яъни 2050 йилга бориб сайёраимиз аҳолиси сони 9,8 миллиардга етишини инобатга олсак, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш инсоният олдида турган ва ечимини кутаётган кескин муаммага айланиши ҳеч кимга сир эмас. Агар рақамлар таҳлил қилинганда бугунги кунда сайёраимизда 2,5 миллиард гектар ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилаётган бўлса, келгусида қарийб 10 миллиард аҳолининг истеъмолини қондириш учун ҳосилдорликни 70 фоизга ошириш талаб этилади. Боз устига иқлим ўзгариши, чўлланшиш ва қуроқчиликнинг кучайиши натижасида ҳар йили жуда катта майдонлар қишлоқ хўжалиги тармоғидан чиқиб кетмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда давлатимиз раҳбарининг "Ақлли" қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни татбиқ этиш соҳасига доир концепцияни ишлаб чиқиш бўйича тақдир нақадар муҳимлиги ақлоқ намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, Марказий Осиё сув ресурсларининг қарийб 90 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Ачинарлиси, айрим худуд ва минтақаларда ҳали-ҳамон сугоришининг эскирган, самарасиз усулларида фойдаланилмоқда. Ана шундай шароитда, агар соҳада ва қишлоқ хўжалигида алоҳида маҳсулотларни етиштиришда замонавий, экологик тоза ресурс ва энергия тежайди технологияларни жорий қилишда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларнинг илғор тажрибаларини жалб этишни фаоллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

— Бугунги кунда Хитой билан ШХТга аъзо бошқа давлатлар ўртасидаги савдо айланмаси 20 баробар ортган. Бу кўрсаткич 2018 йил якунлари бўйича 12 миллиард АҚШ долларидан 255 миллиард АҚШ долларига етди. Жаҳон яли ички маҳсулотининг 20 фоиздан зиёди ШХТга аъзо давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз нутқида дунёдаги геосийсий вазиятга баҳо бера берган экан, замонавий халқаро муносабатлар туб ўзгаришлар даврини бошдан кечираётган ҳозирги пайтда "Шанхай руҳи" тушунчаси қанчалик аҳамиятли эканлиги эътибор қаратгани бежиз эмас. Бинобарин, айнан ушбу ташкилотта асос солиниши халқаро муносабатлар тизимига "Шанхай руҳи"ни олиб кирди.

Мазкур тушунча ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ривожига ўзига хос ўрин тутди. Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин таъбири билан айтганда, "Шанхай руҳи": ўзаро ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, маслаҳат, маданий хилма-хилликни ҳурмат қилиш, умумий ривожланиш истиғи — ана шулар ШХТнинг асосий ғоясидир".

ШХТ кўп томонлама изчил ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш орқали жаҳон иқтисодиёти

тараққиётга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шу муносабат билан яқинда Пекинда "Бир макон, бир йўл" форуми муваффақиятли ўтказилганини таъкидлаш лозим. Ушбу лойиҳа Марказий Осиё мамлакатларининг денгиз портларига бевосита чиқишини ҳал қилиш ва минтақамизни Шарқдан Ғарбга, Шимолдан Жанубга қадар боғловчи қитъаларо магистраль чорраҳага айлантиришда улкан аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, Бишкек саммити — ШХТ доирасидаги ҳамкорлик жараёнларида яна бир муҳим маррани забот этиш нуқтаси сифатида эътироф этилди. Бундай амалий мулоқотлар, Президентимиз қайд этганидек, "минтақамизда замонавий тараққиётнинг энг муҳим масалалари бўйича ёндашувларни мослаштиришга хизмат қилади".

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида, шунингдек, бугунги кунда ШХТга аъзо давлатлар учун бир томондан, хавфсизликни таъминлашда келишилган сиёсатни юритиш, иккинчи томондан, давлатларимиз барқарор тараққиётни ва раванқи учун қулай шароитларни шакллантириш муҳим эканлиги тўхталди.

Чиндан ҳам, ўтган даврда ШХТга аъзо давлатлар қарийб 1 минг 400 та ҳужжат имзолашган. Шундан 46 фоизи бевосита

Куйида эътиборингизга тақдим этилаётган давра суҳбатида ШХТнинг мазкур саммити тафсилотлари ва унда кўтарилган долзарб масалалар, унинг мамлакатимиз ижтимоий-сийсий ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида парламент аъзоларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.



Акmal САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси:

сита хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик, атиги 7 фоизи кўп томонлама иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалаларига тааллуқлидир. Ушбу иккита рақамни ўзаро таққосланг: хавфсизлик ва иқтисодиёт соҳаларида ШХТ доирасида амалга оширилган ҳамкорлик алоқалари ўртасида муайян номуносивлик мавжудлиги шундоқ кўриниб турибди.

Энг муҳим вазифа: ШХТнинг турли йўналишлардаги фаолияти мезонларини ўзаро мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш лозим.

Шу маънода, саммит якунлари бўйича ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасида турли соҳалардаги шерикликни ривожлантиришга доир 22 та ҳужжат имзолангани жуда муҳим. Жумладан, Ўзбекистон Президентининг тақдир асосида Худудларо ҳамкорликни ривожлантириш дастури

қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, бугун ШХТ ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Илк босқичда асосий эътибор чегара муаммоларини ҳал қилишга қаратилган бўлса, эндиликда ўзаро ҳамкорликнинг қўлamlари ва миқдослари тубдан кенгайди.

Бишкек саммитида ШХТ доирасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари ҳақида атрофлича суз юритилганини худди шу тарихий воқеали билан изоҳлаш ўринлидир.

Ўзбекистон Президенти "ШХТни ривожлантириш концепцияси"ни ишлаб чиқиш ғоясини илгари сурди. Бунда, бешта устувор мезонга таянган ҳолда, ШХТ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш мақсада мувофиқ эканлиги эътибор қаратилди.

чора-тадбирлар Режасини қўллаб-қувватлашди.

Аъзо давлатлар БМТ Иқлим ўзгариши бўйича Ҳадли конвенцияси томонларининг 24-Конференциясидаги Париж битимининг раҳбарий принципларини амалиётга татбиқ этиш ҳақидаги эришган келишувларини қўллаб-қувватлади. Улар иқлим ўзгаришига қарши курашишда яқин эҳтишларини қайд этишди.

Эътироф этиш жоизки, биз барчамиз ягона экотизимда яшаётган бир даврда дунёнинг ҳар қандай минтақасида экологик вазиятнинг бузилиши барча худудларга, минтақаларга ўз таъсирини кўрсатади. Бугун дунёнинг ў ёки бу бурчагида содир бўлаётган экологик муаммолар бошқа худудларда ўз ақс-содосини бермоқда. Орол денгизи фожиаси ҳозирги кунда глобал характерга эга бўлиб, Оролдан йилга кўтарилган 100 миллион тоннадан ортиқ тузлу чанг бўҳронлари барча қитъаларга, шу жумладан, Арктика худуди, Помир, Тяньшань тизмаларига ҳам етиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ муаммоларни ҳамкорликда ва ҳамжихатликда ҳал этиш

лозимлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган голлардан яна бири, аъзо мамлакатларда ресурс тежайди ва экологик тоза технологияларни жорий қилиш мақсадида ШХТнинг "Яшил белбоғ" дастурини қабул қилиш тақдиридир. Зотан, "Яшил белбоғ" ШХТ доирасида "Яшил иқтисодиёт"ни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Яшил иқтисодиёт — бугунги кунда иқтисодиётнинг ривожланиши жараёнида табиий ресурсларни тежайдиган, аҳоли саломатлигини ҳимоя қиладиган ижтимоий йўналтирилган, атроф-муҳитни муҳофаза қиладиган йўналишларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Умуман олганда, "Яшил иқтисодиёт" унча назарияга таянади, яъни: биринчидан, чекланган маконга таъсирни чексиз равишда кенгайтириб бўлмайдми; иккинчидан, тобора ортиб бораётган истеъмол талабини чекланган ресурслар шароитида қондириб бўлмайдми; учинчидан, ер юзидagi барча нарсалар ва ҳодисалар бир-бири билан боғлиқ.



Islom ХУШВАҚОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати:

— ШХТнинг Бишкек саммитида қабул қилинган Бишкек декларациясида тинчлик, хавфсизлик, барқарорлик каби муҳим масалалар билан бир қаторда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қатор тақдирлар ўз аксини топди. Аъзо давлатлар Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига худудларида экологик мувозанатни сақлаш, келгуси авлод манфаатлари учун биологик хилма-хилликни тиклаш, барқарор ривожланиш ва аҳоли учун қулай муҳит яратишни таъминлашнинг муҳимлигини келиб чиқиб Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларнинг 2019-2021 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик Конвенциясини амалга ошириш бўйича

Хулоса қилиб айтганда, ушбу нуфузли ташкилот номидаги "ҳамкорлик" сўзининг замирида жуда катта маъно бор. Ўзбекион қилиб айтганда, ҳамкорлик — ҳамжихатликни, аҳилликни, бирликни, бир-бирини қўллаб-қувватлашни аниқлатади. ШХТнинг асосий ғояси ҳам ана шундай эзуликлар бўлиб ҳисобланади. Шубҳасиз, эзгу мақсад йўлида бирлаштириш фақат нури манзилларга элтади.



ФАКТ

СТАТИСТИК маълумотларга қараганда, 2017 йилда юртимизда 1400 дан ортик, 2018 йилда 2 минг нафарга яқин мансабдор шахс коррупцияга алоқадорлиги натижасида белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилган. Жумладан, Бош прокуратура маълумотларига кўра, ўтган йили тизим ходимларига 103 та ҳолатда пора таклиф қилинган. Аниқроқ айтганда, олғирлар Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси ходимларига ўз кирдикорларини ҳаспўшлаш учун 57 минг 500 АҚШ доллари ва 51 миллион 735 минг сўм миқдорда пора беришга уринган.

КОРРУПЦИЯ

Жамият тараққиётига раҳна солувчи иллат

Таъкидлаш мумкинки, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликларининг масъул мансабдор шахсларига нисбатан ўтган йилда қўзғатилган бир қатор жиноят ишлари ушбу тизимларда коррупция хавфи ҳамон давом этаётганлигидан далолат бермоқда.

Бу иллатнинг олдини олиш, яъни мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда салмоқли ишлар қилинмоқда ва бу ҳаётий заруратдир.

Президентимизнинг жорий йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга тўсик ва ғов ҳисобланган коррупциянинг олдини олишдаги яна бир муҳим ҳужжат бўлди.

Фармонда коррупцияга қарши курашиш тизimini тубдан такомиллаштириш, бу борада зарур сайёҳаракатларни амалга оширишнинг

аниқ механизмлари белгиланган. Унга кўра, 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ва Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди.

Ҳужжатда коррупцияга қарши курашиш, бу нафақат давлатнинг вазифаси, балки жамият ҳам давлат билан ҳамкорликда бу салбий иллатга барҳам беришда фаол иштирок этиши кўрсатилган. Яъни, порахўрликка оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар қилган шахсларни ишончли химоя қилиш ҳам бу борада самарали натижа беради. Фармонда бу ҳақда

хам сўз боради. Унга кўра, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни химоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмлари жорий этилади.

Лекин фуқаролар орасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтирмай натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтиришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилади.

Мазкур Фармоннинг яна бир эътиборли жиҳати, 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент та-

риказида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда капитал қурилиш ва олий таълим тизимларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширишни ташкил этиш вазифаси белгиланган. Ушбу лойиҳа ОТМларга қабул қилинган тортиб, олий маълумот тўғрисидаги дипломи бериш вақтигача бўлган жараёнларни ҳамда олий таълимдан кейинги таълим босқичларини ҳам ўз ичига олади.

Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашиш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир. Бу вазифа нафақат ҳуқуқ органлари, балки ҳар биримиздан катта масъулият талаб қилади. Масъулиятни ҳис қилиш, амалда бунинг таълимдан чиқишимизда, албатта, ушбу ҳуқуқий ҳужжат дастуриламал бўлиб хизмат қилади.



Исмоил ЖУМАНИЯЗОВ,
Адлия вазирлиги
Юридик хизматларнинг
фаолиятини мувофиқлаштириш
бошқармаси бош
маслаҳатчиси:

ТАЪСИРЧАН ВА САМАРАЛИ ТИЗИМ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ

Вазирлик фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликка муҳим ахборотлар бериш, уларнинг ҳуқуқий маълумотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган “Очиқ адлия” (Open Justice) ижтимоий дастури ишлаб чиқилди. Вазирлик фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мониторингини олиб бориш мақсадида Жамоатчилик кенгаши тузилди.

— Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай давлатда жамиятни турли йўллар билан исканжага олиб, тараққиётга раҳна солувчи иллатлардан бири бу — коррупциядир. Мамлакатимизда бу иллатга нисбатан муросасиз кураш олиб борилиб, ислохотларнинг хозирги босқичида янги қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, мазкур йўналишда муайян ишлар амалга оширилиб, кейинги йиллар давомида давлат хизмати тизими, унинг мақсад ва вазифалари такомиллаштирилди, давлат органларининг ҳуқуқий мақоми қайта кўриб чиқилди. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Давлат хизматчилари ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида олоб-ахлоқ қондалари тубдан такомиллаштирилди. Хусусан, ваколатли мансабдорни порахўрликка етакловчи омишлардан бири — ойлик маошнинг кам-

лиги Ўзбекистонда коррупциянинг асосий сабаби сифатида кўрилмаслигини таъминлаш муҳим амалий қадамлар ташланди. Жумладан, адлия органлари ва муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди. Адлия вазирлигининг адлия органлари ва муассасаларида кадрлар билан ишлаш дастури қабул қилинди. Вазирлик фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликка муҳим ахборотлар бериш, уларнинг ҳуқуқий маълумотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган “Очиқ адлия” (Open Justice) ижтимоий дастури ишлаб чиқилди. Вазирлик фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мониторингини олиб бориш мақсадида Жамоатчилик кенгаши тузилди. Шунингдек, Адлия вазирлиги тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, унинг

содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш бўйича таъсирчан ва самарали тизимни шакллантириш мақсадида республикамиздаги барча вазирлик ва идоралар ичиде биринчи бўлиб вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш дастури ва унинг ижросини таъминлашга қаратилган йўл харитаси тасдиқланди. Дастур доирасида адлия органлари ва муассасалари фаолиятида коррупция келтириб чиқариш хатарлари мавжуд бўлган соҳаларни аниқлаш мақсадида фуқаролар ўртасида Вазирлиқнинг Телеграм месенжеридеги “Huquqiy axborot” каналда ва Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасида “Коррупцияни бирга енгамиз” мавзусида ижтимоий сўровни ўтказиш ва сўров натижаларини таҳлил қилиб унинг омишларини бартараф этишга қаратилган “Йўл хариталарини” ишлаб чиқиш ва ҳоказолар белгилаб олинди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида жамиятда коррупция, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вазирлик тизимидаги ташкилотлар фаолиятининг очиқлигига эришилиши ва зимма-юк юклатилган вазифалар ижросига нисбатан ходимлар масъулиятининг янада ортиши каби натижалар кутилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Фармон ижросини тўлатўксис амалга ошириб, тизимни ҳақиқий маънода “коррупциясиз соҳа”га айлантириш ва бу ҳаракатни янада оммалаштириш чоралари кўрилмақда.



Умид САЙДАХМЕДОВ,
Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар
олий мактаби “Иқтисодий
ҳуқуқ” кафедраси доценти
в.б.:

ФАҚАТ ОҚИБАТИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖА БЕРМАЙДИ

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат идораларининг тегишли бўлинмалари томонидан бевоқифлик аниқланганидан, яъни фақат уларнинг сайёҳаракатлари натижасида фош этилиши мумкин бўлган жиноятларни, шу жумладан, мансаб билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш масаласига эътибор қаратиш лозим бўлди.

— Коррупцияга қарши курашишнинг фақат оқибатларини ўрганиш ҳеч қандай натижа бермайди. Шу боис, ушбу иллатни келтириб чиқарадиган сабаб ва омишларни ўрганиш, натижада коррупцияга олиб келадиган ҳар қандай шарт-шароитни бартараф қилишга барча куч ҳамда имкониятларни сафарбар этиш зарурати юзага келди. Хусусан, бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат идораларининг тегишли бўлинмалари томонидан бевоқифлик аниқланганидан, яъни фақат уларнинг сайёҳаракатлари натижасида фош этилиши мумкин бўлган жиноятларни, шу жумладан, мансаб билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш масаласига эътибор қаратиш лозим бўлди. Президентимизнинг юқоридаги Фармонида бу борада зарур сайёҳаракатларни амалга ошириш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Жумладан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш, коррупция билан боғлиқ

ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни химоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, коррупция ҳақида хабар беришчилар, ўз навбатида, ҳам давлат, ҳам хусусий секторда фаолият кўрсатувчи ташкилотлар ички маданиятини яхшилаш, уларни бошқаришни такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшади. Шу билан бирга, коррупцион жиноятлар ҳақида хабар берган шахслар химоясиз, ўз табиғати кўра, мураккаб ва кўп қиррали масала бўлиб, юридик хусусиятидан ташқари, психологик, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа жиҳатларини ҳам камраб олади. Халқаро тажрибадан аёнки, ана шу шахслар маълумоти ягона ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади.

Гулсум ШОДИЕВА,
“Инсон ва қону” муҳбири

МАНА, бу жорий ўқув йили ҳам якунланди. Айни пайтда умумтаълим ўқувчилари навбатдаги ёзги таътилда. Албатта, бу якунланган ўқув мавсуми ҳам доимгидек ўзига хос сирли, ҳаяжонли бўлгани табиий. Ўқувчиларнинг баъзилари жонажон мактаблари, тенгқур синфдошлари билан хайрлашиб мустақил ҳаётга қадам қўйишган бўлса, талаба-ёшлар “олтин давр”ни ортда қолдириб, келажакка дадил одимлайди.

Дарҳақиқат, Олий таълим муассасалари битирувчилари синовлардан ўтиб, диплом ҳимоя қилмоқда. Бундай пайт талабалар учун ҳаяжонли кечади. Ахир, кечагина не-не машаққатлар билан ўқишга киришса-ю, якуни кўз очиб юмгунча вақт оралигида ўтиб кетса. Талабалик даврини бошдан кечирган киши борки, бу самимий ҳис-ҳаяжонларни қалбидан ўтказди. Лекин мени мулоҳазага чорлаётган мавзу ёшлар томонидан “кашф” қилинган “ўйловсиз қилиқлар”нинг оқибати, десам адашмаган бўламан.

Тошкент шаҳрининг барча сув фавворалар қурилган жойи борки, атрофи талабалар билан гажам. Фаввора олдида ўтиб борарканман, бир гуруҳ талаба йигитларнинг бақир-чақирига дуч келдим. Улар кийим-боши абгор, ҳар хил ранглар сепилган, сочларида тухум сариклари бўлган битта йигитни ўртага олиб, юз-кўзинг, демасдан аямай ранглар, помидордан тайёрланган кетчуп махсулотини, “зелёнка”ни, яна энг ачинарлиси, тухумни ҳам отишайтган экан. Хуллас, талаба йи-

гитни тенгқурлари қўлига илинган нарса билан “сыйлаб”, у ёқдан бу ёққа судраб хуноб қилишайпти. Ҳайратланиб, воқеликка қизикдим. Талаба сал аввалроқ диплом ҳимоясидан чиқибди. Эсимда, бундан 4-5 йиллар илгари битирувчи талабага фақат сув сепишарди. Яъни, талабалик давридаги кийинчиликлар ювилиб кетсин, дейишган бўлишса керак-да. Лекин бу “удум”нинг ҳозирги кўриниши бошқача тус олган... Шу ўринда бир воқеани айтиб ўтмоқчиман.

Санжарбек жуда ақли, тиришқок йигит эди. У ўзи танлаган олий ўқув юртига ўқишга кирди. Вақтлар ўтиб ўқиниши тамомлаш фурсати етиб келди. У келажакка катта мақсад ва орзулар билан боқарди. Хуллас, ўз билими билан институтдаги барча имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб, диплом ҳимоясига чоғланди. Шу кун ҳам етиб келиб, диплом ишини аъло баҳога топшириб чиқди. Карасаки, институт олдида уни кўпчилик ошна-оғайнилари кутиб турарди. Санжарни кутилмаганда

“сыйлаш” учун. Хурсандчилигидан тез-тез кадам ташлаб дўстлари олди-га борди ҳамки, кутилмаган вазият содир бўлди. Дўстлари уни шартга тепага кўтаришди-да, йўлнинг нариги бетидаги фаввора томон олиб кетишди. Санжар сездди, ўзининг сувга чирпирак қилиб отилишини пайқайди. Ноилож, шунақа бўлиши керак экан-да, дея ҳаёлидан ўтказди у. Гумони тўғри чиқиб, фавворага улуктирилди. Афсуски, Санжар фаввора ичидаги сув отилиб чиқадиган тикка жойлашган қувур усти-

га зарб билан тушди. Оқибати эса аянчли, темир труба унинг кўкрак кафасига санчилиб, каттик жароҳатлади. Шу заҳоти Санжар хушидан кетиб, фавворала қонига беланди. Алаокибат, содир бўлган воқеадан кўриб кетган дўстлари уни шифохонага олиб кетишди. Зудлик билан Санжар шифохонанинг “Жонлантириш” бўлимига олиб келинди. Ёш йигитнинг кўкрак кафаси ва ўлкаси оғир жароҳатланган эди. Лекин Санжарнинг ҳозирги ахволи аввалги соғлом ва бақувват йигитдан анча фарқ қилади. Забардаст йигитнинг бундай қисматига қимни айбдор қилиш эса бизга қоронғу. Ушбу воқеа қайсида талабаларга ва кўпчилик ёшларга балки сабоқ бўлар, балки “тўпик”ларига ҳам етиб бормас. Наҳотки, айрим ёшлар “ўйловсиз ишнинг ўти қиқшиши” ҳалиям пайкамаган бўлишса? Айнан шу бачкана хатти-харакатлар соғлом фикрлайдиган кўпчилик юртдошларимиз эътиборини тортса, ажабмас. Биз эса уларнинг ушбу мавзу доирасида мулоҳаза юритишга чорладик.



“ЎЙЛОВСИЗ ЎЙИН”НИНГ ЎТИ ЎРЛАЙДИ

ГУЛЧЕХРА УМАРАЛИЕВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институту ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчиси:

ДУНЁМИЗНИ, АВЛОДЛАРИМИЗНИ КЕЛАЖАҚДА ЯНА НИМАЛАР КУТАЯПТИ ЭКАН-А?



— Жамиятнинг турли қатламларига бирдек сингит бораётган глобализация — дунёнинг универсаллашуви барча халқларнинг қундалик миллий маданиятида ҳам ўз нуқсини кўрсатмасдан қолмаётти. Биз яшаб турган муҳитнинг бошқа муҳитлар билан қорилиши натижа-сида, афсуски, кўп асрлик кадрятларимиздан бегоналашиб бораёпмиз. Албатта, яқин ўтмишда вужудга келган “катта-серролдуз” давлатлари модерн индустриал дунёга асос солгани бор гап. Ахборот-коммуникациянинг ривожланиши бу манзарани китъаларо кузатиб бориш имкони-ни берди. Шу билан Шимолий Америкада вужудга келган “модерн маданияти”ни бевосита Марказий Осиё чўлларида яшаб келаётган оддий киши-да кузатиб борадиган, тўғридан-тўғри ўзининг турмушига жорий этадиган бўлди. Шу тариха дунё яхлит чамбарчас боғлиқликдаги “ўргимчак тўри”га айланди. Қуйидаги жараён муҳаққак бой ўқишга эга халқларнинг маданий та-назуулига сабаб бўлмоқда.

Айни паллада юртимиз олий ўқув юртиларида ўқув йили тугаяпти. Жойларда имтиҳон-синовлари давом эта-япти. Ўзим ҳам бир ўқитувчи сифатида кўча-қўйда, олий ўқув юрти-ларида битирувчи талабаларнинг юқо-ридаги каби “модерн маданият”га ошно бўлганликларини кўрайман. Уларнинг қилиқларига қараб, ўзимча Таиланд ёки Ҳиндистоннинг бир хил байрамларини эслаб қоламан. Битирувчиларнинг — ёш олий маъ-лумотлиларнинг бир-бирларига сув, ранг-қўгли турли суюқ воситалар-нинг ишқори каби нарсаларни сеп-килашини кўрган кишининг кўнгли хижил тортади. Нима экан? Кўп йил-лик “кийинчилиги” ювилиб кетсин экан! Ахир, бугиналарнинг ҳаёти эн-ди бошланаяпти-ку! Янги манзиллар, янги йўллар... Бир замонлар сафарга чиқар одамнинг ортидан сув сепки-лашдек бир оdatларимиз бўларди. Бидъат кўринса-да, идрокли киши учун бу ажиб бир маданият наму-наси, менимча. Бир-бирини сувга бўкитиб, уст-бошидан чиркин нар-салар ёғдириб, соатлик хузур орти-дан куруқ асаббузарликка эга чиқиш мумкин, холос. Ўйлаб қоламан, дунё-мизни, авлодларимизни келажакда яна нималар кутаяпти экан-а? Балки авлодларнинг бундай тарбия топа-ётганлиги биз ўқитувчиларнинг ёки ота-оналарнинг айбимиз эканми? Ҳа, ҳаётдан қусур излаган қусур топади. Қусур изламаймиз. Яратгандан қусурларимизни тарки одат айлашни сўраймиз!..

МУҲАММАД БОЗОРОВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
битирувчиси:



“БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА” ДАВРА ҚУРИБ ЎТИРИШГА НИМА ЕТСИН

— Шу қунларда барча талабаларнинг ҳаяжони че-сиз уммонларга тўла лаҳзалар билан ҳамоҳанглир. Бир томондан 4 йил давомида йиғган билимларнинг махсули сифатида битирув имтиҳонларини топшириб хурсанд бўлсалар, иккинчи томондан шу йиллар ичида бир оила фарзандларидек бўлиб қолган курсдошларнинг бир ховуч дондек сочилиб кетишлари дилларни хира қилиши табиий, албатта. Ана шундай пайтда эсда қоладиган баъзи бир урф-одатлар деймизми, аъналар деймизми, хуллас, нимадир қилишга ҳаракат қиламиз. Баъзи бир бачкана оdatларни ҳам бажаришни четлаб ўтмаймиз. Яъники, бир-бирларига турли хил рангларни пуркаш, тухумларни отиш, аччиқ ва ҳар хил таъмили кетчупларни чаплайдек ишларни қилиб, хузурланамиз ҳам. Аслида-чи, бутўғрими? Назаримда, йўқ!

Талабалик олтин даврим деганимиздек, ўтган ҳар бир лаҳзасини, яъни дарс жараёнидаги ёки амалиётлар давридаги яхши таассуротларга бой бўлган дамларни эслаш мақсадида айтиб ўтган “аъналаримиз” ўрнига “бир пиёла чой устида” давра қуриб ўтирмоқни жоиз, деб биламан. Бу шундай эсда қоларли кун бўлардики, ҳар бир тендошимизнинг фикрлаши, ўз ички ҳиссиётларини ифо-далай олиши ва ҳагтоки унинг меҳрли чехраси-ю, гулгун боқиси кўз ўнгимизда бир умрга муҳрланиб қоларди. Ана шундай пайтда ёшлик онларимизнинг, талабалик даври-мизнинг ҳар бир дақиқаси ғанимат эканлигини англаймиз. Дипломни олгач, ўз соҳамиз бўйича қаерда фаолият юри-майлик, ўша битирув кечасидаги ўтирган давраимиз қадри нақадар ширин эканлигини бот-бот эслаб тураимиз ва беих-тиёр ўша қунда тушган суратларимизга назар ташлаймиз.

Ҳа, бу оддий талабанинг ўзбекхона, камтароналигини ифодадай оладиган мавзу. Ҳақиқатан ҳам бачканалиқдан кўра ана шундай табиий ва самимий давра қуриб, суҳбат-лар қилишга нима етсин, нима дедиңиз?

СУҲРОБ ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институту битирувчиси:



БУ, ЎҚИБ УҚМАГАНЛАРНИНГ ИШИ

— Мана, битирувчи курсман! “Олтин давр” ҳам ортда қолаяпти. Ўтган вақт даво-мида кузатувлар, ўқиш, ўрганиш жараёнида дунёни ўзимча янгидан кашф этдим. Бугун кўриб турган дунё аввалгисидан гўзалроқ, шонлироқ кўринаяпти. Келажакдан умидлар ҳам шунақа яраша улгуров, албатта. Бу йўл биздан — йўлга чиққан ёш йўлчилардан теран-роқ идрокни, қатъиятти, матонатни ва ўзига ишончни талаб қилади. Айни шуни ҳис эт-ганлар жорий хислатларни бевосита институт шароитида руҳларига сингирдилар. Демакки, йўлимизда собит туришга шаймиз! Аммо ай-рим ёшларимизнинг шўхликлари ҳам борки, бироз асабингни эгавлайди. Яқинда бўлиб ўтган давлат имтиҳонлари сўнгида институ-тимиздаги шундай ёшлар билан “сен-менга” бориб қолганимни айтишим керак. Ҳаммаси имтиҳондан чиқибко, “шўх” болаларимизнинг сув сепкилашдан бошланди. Билмадим, бир тур рангли суюклик, кейин дўқонларимизда сотилдиган танга қувват берувчи ичимликлар устимга ёғилди. Ҳазаб кишини ҳамма нарсага бошлар экан. Тўғриси, ўртада жанжал келиб чиқди. Имтиҳондан хурсанд бўлиб чиқиб, асабиннинг бузилгани қолди. Қизик, шу қи-ликлар бугун кўпчилик ёшларимизга ёкиб ту-шайпти экан. Озиқ-овқат махсулотларининг ҳам исроф қилинаётгани эса ачинарли. Менимча, бунақа қилиқлар ўзини хурмат қилган, онгли инсоннинг иши эмас. Балки ўйловсиз, таълим ва тарбияни ўқиб, уқмаган инсонлар-нинг иши, деб биламан.

Гулҳаё НУРМЕТОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

“ПИХИНИ ЁРГАН” АВТОМОБИЛЬ САВДОГАРИ

ДАВЛАТИМИЗ томонидан кейинги йилларда бизнес муҳитини яхшилаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича бир қатор имкониятлар берилаяпти. Аммо бундан ноқонуний фойдаланганлар ҳам учраб турибди.

А.Маликов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2017 йил декабрь ойида Шайхонтоҳур туманида рўйхатдан ўтиб, “Avto shop” номли МЧЖ ташкил этади. У Янгийўл шаҳрида аҳолига маиший-техника воситаларини кредитга олиб бериш ва етказиб бериш ишлари билан шуғулланиб келган, бундан ташқари, ўзига таниш бўлган шахсларга турли хил русумдаги транспорт воситаларини бозордан сотиб олиб, устига устама фоизлари қўйиб топшириб юрган.

2018 йил апрель ойида Ҳақим исмили шахсга кредитга “Матиз” русумли автомашина олиб беришни ваъда қилиб, 10.000.000 сўм пул олади. У автомашинани банкка гаровга қўйиб пул олиши ва банкка фоизини тўлаб келаверишини, унга берган бошланғич тўловини ҳам қайтариб беришини айтиб ишонтирган.

Судда аниқланишича, аслида А.Маликов ҳеч қайси автосалонга тўлов қилмаган, кредитга автомашина олиб келиш нияти ҳам бўлмаган. Жабрланувчи унинг ёнига бир неча мартаба автомашина ёки пулини сўраб келганида ҳар сафар турли хил баҳоналар қилиб юрган.

Аслида А.Маликов муқаддам фирибгарлиги, қалбаки ҳужжатлардан фойдалангани сабабли уч марта судланган бўлиб, охири марта жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг 2018 йил 25 августдаги ҳукми билан 3 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазосини ўтаб юрган вақтида ушбу жиноятни содир этган.

А.Маликов жабрланувчига етказилган зарарни қопламагани, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда яна фирибгарлик жиноятини содир этганиги сабабли, жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг 2019 йил 5 январдаги ҳукми билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Суд ҳукми билан ундан жабрланувчиларга етказилган зарарни ундириш белгиланди.

Жамшид САДИНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Янгийўл шаҳар суди раиси в.б

Фирибгар жазосини олди

ОРАМИЗДА кўнгилчан, содда, ишонувчан одамлар кўп. Яхши бизнес бошлагандим. Маблағдан қарашиб тур. Ёки танишларим орқали фалон-фалон ишингизни ҳал қилиб бераман, деганларнинг ёлғонларига учиб сўнг чув тушиб қолаётган одамлар ҳам бор.

Жумладан, 25 ёшли Дониёр Саъдуллаев ўзганинг мулкига қўз олайтириб, қинғир ишга қўл уради. У 2018 йилнинг май ойидан ноябрь ойига қадар бўлган вақт оралиғида фуқаро У.Ҳомидов ва унинг укаси С.Ҳомидовни Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги орқали Корёя давлатига юбориш учун тегишли тўловларни тўлаш ҳамда синов имтиҳонларини муваффақиятли топширишга ёрдам бериш эвазига 10.300 АҚШ долларини олган. Бундан ташқари, Дониёр Саъдуллаев 2019 йил январь ойининг бошида У.Ҳомидов билан учрашиб, яқин кунларда имтиҳонга киришини, имтиҳон курсаткичларини ижобий ҳал қилиш эвазига Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентли-



гида ишлайдиган танишларига 4500 АҚШ доллари бериши лозимлигини айтади. Бу билан у давлат органи мансабдор шахсига пора беришига даллолчилик қилиб, жорий йилнинг 14 январь куни Чилонзор тумани ҳудудида У. Ҳомидовдан 4500 АҚШ долларини олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинган.

Шундан кейин унга нисбатан тегишли ҳужжат расмийлаштирилган. Маълум бўлишича, Дониёр Саъдуллаев 2018 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари сафидан чиқарилган экан. У ноқонуний йўл билан пул топмоқчи бўлиб, фирибгарликни танлайди. Ўзгаларни алдб ишончини суистеъмол қилмоқчи бўлган бу йигит қаттиқ адашди. Негаки, у оқибатини ўйламай қинғир ишга қўл урди. Дониёр Саъдуллаев Корёя давлатида ишлаш ниятида бўлганларга синов имтиҳонларидан ижобий баҳо олиб беришни ваъда қил-

ган. Бироқ у сўзининг устида турмади. Ёлғон гапириб, фирибгарлик қилди.

Суд судланувчи Дониёр Саъдуллаевга жазо тайинлашда қилмшидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, ёшлигини, оилавий шароитини эътиборга олди.

Аслида бировни алдаш, унинг ҳақиқа хийнат қилиш гуноҳ саналади. Айрим юртдошларимиз фирибгарлик орқасидан даромад топмоқчи бўлишади. Уларнинг қилмиши эртами-кечми ошкор бўлади. Кейинги пушаймондан эса наф йўқ. Афсуски, орамизда фирибгарликни “касб” қилганлар учраб туради. Уларнинг ёлғон ваъдаларига учмаслик керак. Агар биз қонун-қоида билсак, ҳақ-ҳуқуқларимизни тўғри идрок қилсак ўзгаларнинг тузогига тушиб қолмайлик.

Аброр САИДОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар
Яшнобод туман суди раиси

Ҳаромдан ҳазар қилмаган ХОНИМЛАР



АЁЛ — жамиятнинг гултожи. Авлодлар давомчиси ва, албатта, ўз миллатини дунёларга танишган буюк зотлар ортида тургувчи мунис ва мўътабар, муқаррам хилқатдир.

Бироқ баъзи аёллар борки, уларнинг қилган амалларини эшитиб, дилимиз хира тортади.

Сурхондарё вилоятининг Ҳузун туманида туғилган Халима Ҳамраева (исм-шарифлар ўзгартирилган) бир неча бор жиноят кўчасига кирган аёллардан. Кўр кўрни қоронғуда топади, деганларидек, 1970 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган, Саида Акбарова ва 1982 йилда Сурхондарё вилоятининг Сариссиё туманида туғилган Чарос Раҳимова ҳамда 1989 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган Жамила Бозоровалар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирилашиб, ўзларининг навбатдаги жиноятини Қашқадарё вилояти Чирочқи тумани ҳудудида содир этдилар.

Аёл шаънига мутлақо ярашмайдиган қонунга хилоф ишларни бажаришда ушбу жиноий гуруҳ аъзоларининг “етарли тажриба”га эга эканлиги ҳамда олдиндан танишлиги уларни яна бириштирди.

Ўтган 2018 йилнинг 6 июнида Қашқадарё вилоятининг Чирочқи туманида

ҳафтанинг ҳар чоршанба куни бўлиб ўтадиган “Кўктош Баракаси” МЧЖга қарашли бозорга “ов”га кирган фаришта қиёфасидаги киссавурлар жамоаси ўлжасини топишга кўп вақт сарфлашмади.

Уша куни бозорда юрган Камола Боқиева бамайлихотир бозор расталари бўйлаб айланар экан одамлар орасидаги тирбандликда қолиб кетади. Жиноий гуруҳ эса фурсатдан фойдаланиб К.Боқиеванинг елкасига илиб олган сумкасидан ҳамёнини ўғирлашади. Киссавур ўғирлар томонидан қўлга киритилган ҳамён “тилла сандиқча” бўлиб чиқди. Камола Боқиеванинг ҳамёнидаги аёллар тилла тақинчоқларининг умумий қиймати 77.677.000 сўмни ташкил этарди.

Ўлжани қўлга киритган киссавурлар шу билан тўхтаб қолмади. Жиноий ҳаракатларини давом эттиргач ҳолда Шаҳло Темированинг ҳам чўнтақларини “тозалаб” кетишди. Бу галги қўлга киритилган ўлжанинг умумий баҳоси эса биринчисидан анча-мунча кам бўлиб, 19.000.000 сўмни ташкил этарди. Ҳамёни қаппайган “ўғри хонимлар” ишни дундиргач, жиноят жойини тарк этишади.

“Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади”, деганларидек, киссавур ўғирлар жамоасининг найрангларино фош этиш учун кўп вақт кетмади. Жиноят ишлари бўйича Чирочқи туман судининг оқиш суд мажлисида жиноятчиларга суд ҳукми ўқилди. Судланувчи Х.Ҳамраева судда айбига қисман иқроорлик билдириб, жиноий шериклари билан қариндош эканини айтиб ўтди. Жиноий гуруҳ аъзолари томонидан жабрланувчиларга етказилган моддий зарарлар қоплаб берилди ҳамда суд томонидан уларга қилмшиларига яраша озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тури тайинланди.

Лутфилла МАМАРАЖАБОВ,
жиноят ишлари бўйича Чирочқи
туман суди раиси

“Қўли очик” ҳисобчининг найранглари



БУГУН биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ҳисобчининг очкўзлиги, найрангбозлиги жамоа учун ҳам, ўзи учун ҳам қимматга тушди. Бахтиёр Сафаров (исм-фамилиялар ўзгартирилган). Каттақўрғон туманида фаолият юритаётган “ЭРГАШ ОТА” хусусий тиббий марказига 2013 йили бош ҳисобчи бўлиб ишга келди. Муқаддам бу соҳада ишлаган, ўзига хос тажриба орттиргани учун дастлаб ишни жуда яхши бошлади. Орадан кўп ўтмай бош ҳисобчининг хурмача қилиги бошланди. У ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, моддий манфаатдор бўлишга ружу қўйди. Ҳисобчи марказ бошлигининг имзосини сохталаштириб, мўмай даромад қилишга киришди. Айтиллик, ўз манфаати ва шахсий бойлик орттириш учун 2015 йил давомида “ЭРГАШ ОТА” хусусий тиббиёт маркази бошлигининг руҳсатисиз, унинг имзосини сохталаштириб марказ ҳисобидан турли олийгоҳда таҳсил оладиган беш нафар талабага шартнома пулини кўчириб унга муҳр босади ва бошлиқнинг имзосини ўзи қўйиб юборади. Масалан, Абдулла Эшмираввага контракт шартномасига асосан 3 325 000 сўм, Фаёз Исроиловага 2 750 000 сўм, Урал Дусановага 2 525 000 сўм ҳам беш нафар талабага марказ ҳисобидан ҳотамтойлик қилиб 13 250 000 сўмлик

маблағни олийгоҳлар ҳисобига ўтказиб марказга тегишли маблағни талон-торож қилди. Бу ҳам етмаганди 2015 йилда улғуржи шаклда дори-дармон савдоси билан шуғулланиб келаятган “GRAND FARM AVITSENNА” МЧЖдан дори воситаларини марказ ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан сотиб олиб, келгусида ушбу МЧЖдан сотиб олинган дориларни нақд пул эвазига сотган. 04.11.2015 йили “GRAND FARM AVITSENNА” МЧЖ билан №145-сонли қалбаки шартнома тузиб марказ муҳрини яширинча қўйиб раҳбар имзосини сохталаштириб, 15 000 000 сўм икки ҳолатда 30 000 000 сўм маблағ кўчириб бериб, ушбу МЧЖдан ўз “чўталини” олган. Шунингдек, Б.Сапаров марказ бошлиғига хабар қилмасдан яширинча марказ билан Навоий вилоятидаги “МУНИС МЕДИКАЛ НАВОИЙ” МЧЖ ҳамда “МУҲАММАД АЛИ ШАҲРИЗОДА” корхоналар ўртасида молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича шартнома ёки бирор бир қонуний ҳужжат бўлмаса-да “МУНИС МЕДИКАЛ НАВОИЙ” МЧЖга 2016 йил 14 июль куни 20 000 000 сўм, 22 июль куни 10 000 000 сўм, жами бўлиб 30 000 000 сўм пул кўчиради. Хуллас шунга ўхшаш йигирмадан ортқ МЧЖларга дори-дармон олиш учун “ЭРГАШ ОТА” хусусий тиббий марказ томонидан пул кўчириб дори-дармон олмай, МЧЖлардан нақд пул олган. Қўзбўямачи қаллоб бош ҳисобчи Бахтиёр Сафаровнинг қинғир ишлари фош бўлди ва ўз жазосини олди.

Лекин масаланинг бошқа томони кишини ўйлантиради. Нега айрим одамларда масъулият, виждон, ор-номус йўқ. Улар инсоф ва диёнатни унутишган. Улар қонундан ҳам Яратаннинг қаҳридан ҳам кўрқимайди. Улар ўз манфаати ва нафси йўлида ҳар қандай қабихликдан тап тортишмайди. Бу йўлда номусу иймонини ҳам сотиб юборишади. Пул учун ҳар қандай қоронги кўчага киришади...

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

Қонуний тўлов қанча-ю, Сиз қанча тўладингиз?

БУГУНГИ кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида бозор муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда. Бу эса, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич ҳамда изчил равишда ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этади.

Қайд этиш лозимки, нотариат институти жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бўйича малакали юридик ёрдам олиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий низоларнинг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқий муносабатларни ишончли ва тинч йўл билан ҳал этилишини таъминлайди.

Шундай экан, нотариуслар нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш йўли билан фақат нисозис бўлган фактларни тасдиқлашларини эътироф этиш жоиз. Чунки нотариал ҳаракатни расмийлаштиришда тарафлар нотариусга ўз хоҳиш иродаларига кўра ҳамда битимларни тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва белгиланган тўловларни тўлаган ҳолда мурожаат этадилар.

Битимларни нотариал тасдиқлаш тартиби идораларо электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

Албатта, бу ўз навбатида, солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергия бўйича қарздорлик йўқлиги, бино ва иншоотларнинг тегишлилиги ҳақидаги маълумотларни фуқаролар томонидан қоғоз кўринишида йиғиш амалиётига чек қўйди.

Ушбу ислохотларнинг мантқиқий давомида Адлия вазирлиги томонидан аҳолига қулайлик яратиш ва нотариал битимни расмийлаштиришда амалга оширилаётган тўловлар аниқ миқдорини кўрсатадиган "СМС хабар" электрон тизими жорий йилнинг 1 июнидан нотариуслар фаолиятида жорий этилди.

Ушбу "СМС хабар" электрон тизимида биринчидан, хабарда нотариал ҳаракатлар учун мижоз томонидан амалга оширилган тўловнинг аниқ миқдори кўрсатилган бўлади. Яъни, нотариат ходими талабига асосан ёки кассада мижоз томонидан тўланган пул миқдорини СМС хабарда кўрсатилган қонуний тўловлар миқдори билан солиштириш имконияти пайдо бўлади.

Иккинчидан, нотариал ҳаракатни охирига етказиш учун СМС хабар орқали тўртта рақамли код мижознинг телефонига юбо-

рилади. Нотариус ушбу тасдиқловчи кодни электрон тизимга киритилган сўнггина нотариал ҳаракатни амалга оширишни расман якунлашга рухсат этилади.

Бунда ушбу код нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун қалит вазифасини бажаради.

Ушбу тизимдан уяли телефони йўқ кишилар бирор қариндоши ёки танишининг телефон орқали ушбу хабарни олиш ва тасдиқловчи кодни нотариусга айтиш орқали нотариал ҳаракатни амалга ошириши мумкин.

Шундай шахслар ҳам топилмаган ҳолда, истисно тариқасида нотариат идораси ходимлари телефон рақамидан фойдаланишга йўл қўйилади. Республикадаги барча ходимларнинг телефонлари олдиндан базага киритилган бўлади. Нотариат идораси ходими телефон рақамидан фойдаланилганда, электрон тизимга алоҳида белги қўйилади ва адлия органлари томонидан айнан бир хил телефон рақамлар қайта-қайта ишлатилган ҳолатларда автоматик тизим ёрдамида доимий назорат қилиб борилади.

Амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, нотариал идораларда коррупциявий ҳолатлар бартафат этилишига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатади. Шунингдек, ҳар бир мижоз қонуний қанча пул тўланганини билиб олади. Шу билан бирга нотариал идорага келган шахслар амалга ошираётган нотариал ҳаракат учун тўловлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиги билан бирга ўзининг уяли телефонида сақланиб туради.

Бу тартиб нотариал ҳаракатларни амалга оширишдан манфаатдор бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан ўрнатилган ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга, нотариусларнинг эса уларга мурожаат этган шахслар олдидаги мажбуриятларини виждонан ва ҳалол бажаришига хизмат қилади.

Фурқат РАХИМОВ
Тошкент вилоят адлия бoshқармаси
масъул ходими

Жиноят жазосиз қолса У илдиЗ отади

ҲАЁТ давомийлиги, эртамизнинг бугунги кунидан яхшироқ бўлиши, албатта, етакчи куч ҳисобланмиш ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Абдулла Авлоний "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот масаласидир", деган эди. Демак, тарбияга эътиборсизлик фарзанд келажоги учун хавф солувчи асосий омил ҳисобланади. Бу барчамиз учун ҳақиқат.

Тадқиқотлар натижасига қараганда аксарият жиноятчиларнинг шахси дастлаб тарбиясизлик оқибатида шаклланган экан. Тарбияси оғир ўсмир ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашга мухтож бўлган шахсдир. Уни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш жиноятчига айланишининг олдини олишга сабаб бўлади.

Айни пайтда ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сирасига — безорилик, ўғрилик, талончилик, босқинчилик қиради. Буларнинг эса тағзамини ўрганилганда яна ўша тарбиясизлик оқибати келиб чиқади.

Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши амалий ишлар олиб борилса-да, камчиликлардан батамом ҳоли бўла олганимизча йўқ. Жойларда ҳали-ҳануз ўзининг ечимини кутаётган муаммолар ижобий ҳал этилмаганлиги сабабли ёшлар ўртасида жиноятлар қамаймаётгани эса бу йўналишдаги ишлар сифатини ошириш зарурлигини кўрсатаётти.

Бу борада судьялар ҳам ўқув муассасаларда профилактик тадбирларни янада жонлироқ олиб бориши тақозо этилади.

Айниқса, жойларда ўтказилаётган оқил мулоқотларга ёшларни кўпроқ жалб қилиш, уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш борасида ҳаётий мисоллардан кенг-роқ фойдаланиш зарур.

Ёшларни жиноятчиликка мурасасизлик кайфиятида тарбиялаш учун аввало, ота-оналар ҳушёрлигини ошириш талаб этилади. Ота-онанинг дунёқарашида ноқислик сезилар экан, фарзанддан кутилган натижани олиш амри маъноли. Демак, фарзанднинг одоб-ахлоқли бўлиб вояга етиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши нафақат ота-она, балки бутун жамият учун ниҳоятда манфаатлидир.

Шу ўринда айтиш лозимки, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судида шу йилнинг ўтган беш ойида етти нафар ёшларнинг ўз қилмишини тушуниб етиб, ҳақиқатдан пушаймонлиги, ёшлар иттифоқи ва маҳалла фуқаролар йиғинлари вакилларининг фикрлари инобатга олиниб, ишонч билдирилиб, уларга нисбатан инсонпарварлик ва одиллик принциплари қўлланилиб, суд залидан озод этилган.

Аммо жиноят жазосиз қолса, у илдиЗ отиши шубҳасиз. Ёшларимиз жиноят учун жазо муқаррарлигини тушуниб етиши керак. Шу боис, ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқини билса, хатти-ҳаракатларига масъуллик сезса, уларни ҳеч ким кузатмаётган пайтда ҳам ўзларини яхши тутишни ўрганиши зарур. Зеро, оқ-қорани фарқлай оладиган, ўзи, оиласи, халқининг шаъни, обрўини ўйлайдиган, маънавий илдиЗлари ҳақида етарли тушунчага эга бўлган бола жиноят кўчасига қирмайди. Бунинг учун эса, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси масъулдир.

Мирзиёб АБИДОВ,
Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди судьяси

ТАЛАБА ТАКЛИФИ

ШАХСИЙ ҚЎРИҚЧИГА ЭГА БЎЛИШ

Ўзбекистон қонунчилигида мавжуд эмас, нега?

ҲОЗИРГИ кунда жиноят-процессуал қонунчилиги соҳасида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги "Жабранувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши бу соҳадаги сезиларли ўзгаришлардан бири бўлди.

Жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқиши дастлабки тергов ва суд процесси давомида иштирокчилар ўз вазифаларини эркин ва ҳаққоний тарзда бажаришининг кафолати ҳисобланади. Лекин бу мавзунинг долзарблиги шундаки, қонунчиликда "гувоҳ иммунитети", унинг вакили хавфсизлигини таъминлаш ҳамда халқаро тажрибада самарали қўлланилаётган айрим хавфсизлик чораларини амалиётга киритиш билан боғлиқ камчиликлар мавжуд ва улар юқорида келтириб ўтилган Қонунда ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган. Шу сабабли жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашда хорик амалиётини Ўзбекистонда татбиқ этиш ва қонунчиликка имплементация қилиш лозим.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам жиноят қонунчилигини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича ишларни давом эттириш, қонун ҳужжатларини унификациялаштириш, яъни ҳаволалик, қонуности ҳужжатларни қисқартириш лозимлиги белгиланган эди.

Жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш амалиёти ва

шартлари ҳақида бир қатор мунозарали фикрлар мавжуд. Масалан, А.П.Рижиков судларга хавфнинг даражаси билан бирга унинг характерини ҳам таҳлил этишни тавсия этади: "Агар хавф фақат мавжуд бўлмай, у ҳаққоний бўлиб қолаётган бўлса, бу ҳолат ушбу шахсларга нисбатан давлат ҳимоя чораларини танлаш ва қўллашда биринчи навбатда эътиборга олиниши лозим", деб таъкидлаб ўтган. Мазкур фикр орқали А.П.Рижиков ҳимоя чораларини қўллашда айнан хавфнинг жиддийлик даражасига эмас, унинг юзага келиш эҳтимолигининг реаллик даражасини ҳам ҳисобга олишни таъкидлаб ўтган.

Кўплаб давлатларда гувоҳлик иммунитети масаласи конституция даражасида мустаҳкамланган. АҚШ, Франция, Канада, Испания, Япония ва Россия каби ривожланган мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилиги сўзимизга мисол бўла олади. Чунончи, Канада Конституциясида (11-модда, "с" банди) "Бирон-бир жиноят содир этишда айбдор бўлган ҳар бир айбланувчи процесснинг ҳар қандай босқичида ўзини ҳуқуқбузарликка алоқадорлигини фош қилувчи ҳолатлар бўйича ўзига қарши гувоҳлик бериш мажбуриятидан озод бўлишга ҳақли" эканлиги мустаҳкамланган. Япония Конституциясида эса "Ҳеч ким

ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбур этилиши мумкин эмас" (447-модда), деб кайд этилган. Шунингдек, Испания Конституциясида "мувофиқ ҳар бир шахс ўзига қарши гувоҳлик бермасликка, ўзини айбдор, деб тан олмасликка ва айбсизлик презумпцияси ҳуқуқига эга. Қариндошлик ёки касбий сирларни сақлаш асосида жиноят, деб ҳисобланувчи ҳолатлар юзасидан кўрсатув бериш мажбурий, деб топилмайдиган ҳолатлар қонун билан белгиланади. Мазкур нормалар гувоҳ иммунитети ҳуқуқининг конституциявий кафолати ҳисобланади. Булардан ташқари, халқаро ҳуқуқда ҳам соҳага оид бир қатор ҳужжатлар мавжуд. Жумладан, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" (8-модда), "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт" (14-модда), БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган "Жиноят ва мансаб суикстеъмолигидан жабранганлар учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисидаги декларация", БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенция" (24-модда) каби ҳужжатлар жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашнинг устувор тамойилларини ўзида акс эттирган дастлабки халқаро норматив актлардир. Шунингдек, хоржий мамлакатлар тажрибасида жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, МДҲ мамлакатлари, жумладан, Россия, Озарбайжон, Қирғизистонда алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд ҳамда ўзига хос хусусиятлари ва умумий жиҳатлари билан характерланувчи бой амалий тажриба шаклланган.

Жумладан, АҚШнинг 1970 йилда қабул қилинган "Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги" қонунига кўра, суд томонидан давлат фойдасини кўзлаб ишда қат-

нашаётган процесс иштирокчиларга маълум шартлар асосида "иммунитет" ҳуқуқи берилди. Ушбу қонун орқали жаҳонда илҳ бор судда ашаддий жиноятларни фош этишга кўмаклашувчи шахслар хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат томонидан молиялаштирилмаган дастур ишга тушди.

Бундан ташқари, ушбу соҳага тааллуқли бир қанча қонунларга иш, истикомат жойини, исм-шарифини ўзгартириш, янги ҳужжатлар билан таъминлаш, янги иш топишда ёрдам бериш, зарур яраш минимуми ажратиш каби хавфсизлик чоралари белгиланган. Мазкур хавфсизлик чораларидан бири бўлган шахсий қўриқчига эга бўлиш Ўзбекистон қонунчилигида мавжуд эмас ва унинг механизмини ишлаб чиқиш ҳамда миллий қонунчиликда татбиқ этиш яна бир муҳим масалалардан биридир.

Фикримни қисқа қилган ҳолда қуйидаги таклифларни келтириб ўтаман. Россия Федерациясидаги қонунчилик амалиёти ва миллий минтақитети ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг "Жабранувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 6-моддасига қиёфани ўзгартириш ҳимоя чораси ва уни амалга ошириш усуллари (жарроҳлик билан боғлиқ бўлмаган), жумладан, никоблар, гримлар, соч турмаги каби воситалардан фойдаланиш ҳақида қўшимчалар киритиш лозим.

Шунингдек, АҚШ қонунчилик амалиётини миллий қонунчиликка татбиқ қилиш орқали мазкур қонунимизга шахсий қўриқчилар ва уларни ёллаш тартиби ҳақида алоҳида моддаларни киритиш лозим.

Нозимбек ДИЛБОБОВ,
Тошкент давлат юридик университети талабаси

ТЕСТ ҚАЧОН БЎЛАДИ?

Қандай имтиёз ва ўзгаришлар бор? Ўқишга кирган талабаларнинг ижтимоий ҳимояси. Кўп сонли абитуриентларни қийнаётган саволлар.

БУ ҲАҚДА МАСЪУЛЛАР ШУНДАЙ ДЕЙИШДИ:

“2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги Президент Қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат билан 2019/2020 ўқув йили учун Олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича квоталар тасдиқланди. Унга кўра, республика миқёсида бакалаврлар тайёрлаш бўйича:

- кундузги таълимга: — 80 430 нафар;
- сиртки таълимга: — 19 985 нафар;
- кечки таълимга: — 1 985 нафар талабаларни қабул қилиш белгиланди.
- Магистрлар учун эса бу йил 7 695 та урин ажратилди.

Мазкур Қарор юзасидан оммавий ахборот воситалари учун батафсил маълумот бериш мақсадида 19 июнь кuni Адлия вазирлиги томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази ва Тошкент давлат юридик университидан вакиллар иштирок этди.

Таъкидлаш керак, бу йил олий таълим тизимида, айнан қабул масаласида бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Президентимизнинг мазкур Қарорида республика миқёсида 18 180 та жой грантга, 62 250 та жой тўлов-контракт учун ажратилди. Эътиборли ва муҳим жиҳати эса бу йилги қабул квоталари ўтган йилги қабул квоталарига қараганда 20 фоиз кўп. Бу дегани жорий ўқув йилида 120 мингдан ошмироқ абитуриентнинг талаба бўлиш имконияти

бор. Олий таълимга қаратилаётган бундай эътибор, бир жиҳатдан, турли соҳаларда малакали кадрларнинг етишмовчилиги сабаб шу йўналишда кўпроқ мутахассис тайёрлаш зарурати бўлса, бошқа томондан фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг билимли ва олий маълумотли бўлиш даражасини ошириш, орамиздан олимларни етиштириб чиқариш ва кўплаб аҳолининг бандлигини таъминлашдан иборатдир. Мазкур Қарор билан олий таълим тизимига киритилган бир қатор янгиликлар ҳақида мутахассислар фикр билдирди. Бу йил ОТМларга қабул қандай бўлади? Қандай имтиёз ва ўзгаришлар бор? Ўқишга кирган талабаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш учун қандай тадбирлар амалга оширилади? Бу ҳақда масъуллар шундай дейишди:



Ҳусан ЭЛМУРОДОВ,
Давлат тест маркази масъул ходими:

— Хабарингиз бор, ўтган йили тест ишлаб чиққан абитуриент эртаси куниек талаба бўлган бўлмаганлигини жавобини билиши мумкин эди. Бу ўқув йилидан бундай тартиб ўзгаради. Сабаби, абитуриент учта йўналиш учун тест топширганидан кейин эртасига дарҳол жавобини чиқариб

беришнинг имкони йўқ. Чунки битта таълим муассасасининг жавоби чиқмай туриб, наригисини аниқлаб бўлмайди. Бунда йўналишлар бўйича тўпланган баллар бевосита бир-бирига боғлиқ. Абитуриентнинг ўзи неча бал олганини эртаси куниек билади, лекин талабалikka тавсия



Отабек БОБОЖОНОВ,
Тошкент давлат юридик университети декани, қабул комиссиясининг масъул котиби:

”

— Бу йилги қабул жараёнларига кўпгина янгиликлар киритилди ва айтиб ўтишим керакки, бу ўзгаришларнинг деярли барчаси фуқароларни олий таълимга янада кўпроқ жалб қилишга, уларга бу борада энгиллик ва имкониятлар беришга қаратилган. Айтайлик, сиртки таълим бўйича ўтган йилгига нисбатан кўпроқ олий таълим муассасаларига квота берилди. Жорий йил 46 та таълим муассасаси сиртки таълим бўйича талабаларни қабул қилади.

Магистратурага қабул бўйича жорий этилган бир қанча ижобий янгиликларни эса алоҳида тилга олиш керак. Магистратура учун ОТМларга 7 695 та жой ажратилган бўлса, шундан 4 131 таси давлат гранти, 3 564 таси тўлов-контракт асосида. Бу ерда сезиларли равишда магистратура учун давлат грантига жойлар кўпайтирилганлигини кўриш мумкин. Қабул квоталари ҳақидаги мазкур Қарорда айрим олий таълим муассасалари алоҳида келтирилганки, уларда магистратурага фақат давлат гранти асосида жой ажратилган. Мақсад нима? Мақсад бу ерда илмий изланиш қиладиган, илмни юксалтирадиган ёшларни тарбиялаш. Президентимиз раислигида жорий йил 24 майда Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам айнан илмни ривожлантириш, ёшларни шу йўналишга кўпроқ жалб этиш давлат сийсати даражасига кўтарилди. Қарор би-

лан бу йил 60 та олий таълим муассасасига магистратура учун қабулни амалга оширишга имконият берилаяпти. Шунингдек, илгари фақат турдош йўналишлар бўйича бакалаврият битирувчиларининг магистратурага ўқишга топшириш имконияти мавжуд бўлган бўлса, бу йилдан турдош бўлмаган йўналишлар кесимида ҳам магистратурага топшириш имконияти мавжуд. Масалан, молия ёки иқтисодиёт ва шунга ўхшаган таълим йўналишларини тамомлаган бакалавр, айтайлик, юридик университетида магистратурага ҳужжат топшириши мумкин.

2019/2020 ўқув йилида 3 та йўналиш бўйича мақсадли қабулни амалга ошириш кўзда тутиляпти. Бу соғлиқни сақлаш, маданият ва қишлоқ хўжалиги йўналишлари. 2013 та ажратилган квотанинг ҳаммаси давлат гранти асосида. Бу йил чекка ҳудудларда кадрлар етишмовчилиги масаласини ҳал этиш учун

ҳам 11 та олий таълим муассасаси мақсадли қабулни амалга оширади.

Кўп абитуриентларни бир савол қийнади. Қачон тест бўлади? Имтиҳонлар июль, август ойларида бўлиб ўтиши кўпчиликка маълум эди. Қарор билан аниқ саналар белгиланди. Бу йил республикаимиз ҳудудида 25 июлдан 20 августгача тест синовлари бўлиб ўтади. Яна бир янгилик, бу йилдан 16 та янги таълим муассасасига қабул бошланади. Булардан 8 таси маҳаллий ОТМлар бўлса, 8 таси эса хорижий ОТМлар.

Яна бир муҳим янгилик ҳақида тўхталмоқчиман. Бизда энг катта муаммо нима эди шу пайтгача, хорижий фуқароларни университетларимизга жалб қилишди? Контракт миқдори хорижий фуқаролар учун жуда катта эди. Биргина юридик университет мисолида айтадиган бўлсам, бизда хорижий талабалар учун контракт 4 200 АҚШ доллари эквивалентига эди. Худди шу алтернативда Латвияда 1 600 АҚШ доллари, Санкт-Петербургда 2 200 АҚШ доллари, Европада борсангиз 2 500 АҚШ доллари эканлигига гувоҳ бўласиз. Мана, нимага хорижий талаба келмайди? Яхшики, ҳукумат бу борада бизнинг дардимизни эшитди. Энди ҳар бир олий ўқув юрти базавий контракт суммасидан кам бўлмаган миқдорда хорижий талабалар учун контракт миқдорини хоҳлаганча пасайтириши мумкин бўлади. Сиртки ва кечки таълимда эса контракт миқдори амалдаги базавий миқдордан кўп бўлиб кетмаслиги қарор билан белгилаб берилди.

абитуриентлар учун мазкур Қарор билан алоҳида квоталар ажратилди. Яъни, бу дегани улар алоҳида квота бўйича ўқишга қабул қилинади. Бошқа абитуриентларнинг ўқишга кириш имкониятига бу ҳолат таъсир кўрсатмайди.

Бундан ташқари, жорий ўқув йилида бир қанча олий ўқув юртининг филиаллари ташкил этилганлиги ҳақида ҳам Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 488 ҳамда 489-сон қарорлари билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Тошкент кимё-технология институтининг Шаҳрисабз филиаллари ташкил этилди.

5 фоиз ҳарбийларнинг фарзандларига;

5 фоиз ҳарбий хизмат ўтаб имтиёз олганларга;

3 фоиз Ички ишлар ходимлари фарзандларига;

2 фоиз ногиронларга;

1 фоиз чин етимларга.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳарбий хизматни ўтаганлик имтиёзига эга

абитуриентлар учун мазкур Қарор билан алоҳида квоталар ажратилди. Яъни, бу дегани улар алоҳида квота бўйича ўқишга қабул қилинади. Бошқа абитуриентларнинг ўқишга кириш имкониятига бу ҳолат таъсир кўрсатмайди.

Бундан ташқари, жорий ўқув йилида бир қанча олий ўқув юртининг филиаллари ташкил этилганлиги ҳақида ҳам Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 488 ҳамда 489-сон қарорлари билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Тошкент кимё-технология институтининг Шаҳрисабз филиаллари ташкил этилди.

Мадҳия АВАЗОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

ИНСОН ҚОНУН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

ISSN 2020-7897



477203078908

Бош муҳаррир

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Ахбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тоҳиев Фуқрат Шомуродович
Исқандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Очиловчи

Таҳририятга келган
кўлемлар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Мадина Ҳамдамова

**Саҳифаловчи-
дизайнер**
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририятни компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 11603
Буортма — V-3534
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 22:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 000, Тошкент ш.
Сайлиғоҳ кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23,
(0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳори келишган нарҳда

1 2 3 4 5

КИРИШ ТАКИҚЛАНГАН ОРОЛЛАР

Айрим сабабларга кўра сайёҳларнинг кириши тақиқланган жойлар ҳақида эшитганимиз?



РУҲОНИЙЛАР ВА ИМПЕРАТОР ОИЛА АЪЗОЛАРИ КИРАДИГАН ИБОДАТХОНА

ЯПОНИЯДА исэ-дзингу ибодатхоналар мажмуаси бор. Ибодатхона ёғоч деворлар билан қуршаб олинган. Унинг ичкарасига фақат юқори лавозимли руҳонийлар ва император оиласи аъзоларигина кириши мумкин. Қолганлар эса ибодатхонанинг томинигина кўриш шарафига муяссар бўлади. 1945 йилгача Миягава дарёси туйфайли ташки дунёдан бутунлай узилиб қолган Исэ ибодатхонасига кириш мутлақо мумкин эмас эди. Монахларнинг дарёни кесиб ўтишлари тақиқланган.

САЙЁҲЛАРНИНГ КИРИШИ МУМКИН ЭМАС

Сюрсей оролига ҳам бориш тақиқланган. 1963 йилда Исландия суварлида сувости вулкнлари қайд қилинди. Вулкн натижасида янги ороллар пайдо бўлди. 2.7 квадрат километрга тенг бу орол турли мамлакат олимларининг диққат-эътиборига тушди. Оролга афсоналардаги оловлар ҳуқидори Сюрт шарафига Сюрсей номи берилди. Бу ерда илмий ишлар олиб борилаётгани боис сайёҳларнинг кириши мумкин эмас. Орол пайдо бўлганидан бери олимлар бу ерда

ўсимликларнинг ўсиши, ҳашаротларнинг пайдо бўлиши, қушларнинг ҳаёт кечириши билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганади. Агар 1980 йилларда мазкур оролда ўсимликларнинг 20 тури кузатишга бўлса, 2008 йилга келиб уларнинг тури 69 тага етган. Тўғри, 2000 йилга келиб эрозия ва тўлқинлар туйфайли қуруқлик 1,5 квадрат километргача қисқарган бўлса, айна дамда қуруқликнинг қисқариши анча камайган. 2008 йилда ЮНЕСКО оролни Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритди.



Давоми бор.



Ҳиндистонда йўлбарслар қўриқхонаси бор. 2012 йилда мамлакат Олий суди Ҳиндистондаги бенгал йўлбарслари мавжуд барча миллий боғларни сайёҳлар учун ёпик, деб эълон қилди. Барча штат расмийлари ноёб ҳайвонлар сақланадиган ҳудудларда муҳофаза девори барпо этишга мажбур бўлди. Қўрилган

БЕНГАЛ ЙЎЛБАРСЛАРИНИ КЎРИШ МАН ЭТИЛГАН
бу каби чоралар сайёҳлар оқимига салбий таъсир кўрсатди. Аммо йўлбарслар сонининг кўпайишига сабаб бўлди. Сўнгги йилларда Ҳиндистонда йўлбарслар сони анча ортгани айтади. Масалан, 2010 йилда 1 минг 706 та йўлбарс рўйхатга олинган бўлса, 2014 йилда уларнинг сони 2 минг 226 тага етган эди.

Интернет маълумотлари асосида Мадина ҲАМДАМОВА тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

Яққасарой туман Давлат хизматлари марказида 29.01.2019 йилда 676058 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "DREAM WORK PARTNERS XUSUSIY BANDLIK AGENTLIGI" МЧК (манзили: Яққасарой тумани, Уриқзор кўчаси, 140/1-уй) таъсисчисининг 2019 йил 21 июндаги қарорига асосан тугатилди.
(СТИР: 306 055 307)
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қорхона почта манзили бўйича қабул қилинади.
Шайхонтоҳур туман Давлат хизматлари марказида 09.12.2015 йилда 008786-09 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "HAQIQIY SIFAT GO'SHT" хусусий қорхона (манзили: Тошкент вилояти, Юқори-чирчиқ, Барданқул, қурувчилар) таъсисчисининг 2019 йил 14 июндаги қарорига асосан тугатилди.
(СТИР: 303 523 644)
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қорхона почта манзили бўйича қабул қилинади.
Тел.: (97) 461-94-94.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 10 июндаги 240-ум-сонли буйруғига асосан бошқарма томонидан 2012 йил 19 ноябрда берилган АН №000224-сонли лицензия эгаси "HUQUQ HANKOR ISHONCH" адвокатлик фирмаси адвокати Якубов Тождидин Якубовичнинг ҳамда 241-ум-сон буйруғи билан бошқарма томонидан 2014 йил 22 апрелда берилган АН №000252-сонли лицензия эгаси "HUQUQIY MAQOM" адвокатлик бироси адвокати Давидов Улғубек Нурмухаматовичнинг адвокатлик лицензиясининг ҳамда адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши тугатилди.
Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 16-моддаси, биринчи қисмининг 3-банди ҳамда адлия бошқармасининг 2019 йил 10 июндаги 190-ум-сонли буйруғига асосан Қўқон шаҳридаги "Чорсу-Фемида" адвокатлик фирмаси адвокати бўлган Сулаймонов Отабек Муҳаммадқодировичнинг (лицензия 29.12.2019 йил, FE №000057, адвокатлик гувоҳномаси №085, 29.12.2019 й.) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.
Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 30.01.2019 йилда 676658-сонли рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Уриқзор мазееси, ТХАҲ "OZIQ-OVQAT STANDART KARTON" МЧК "STROYGOD" савдо мажмуаси худудидидаги 64-дўкан, 4-бўсқ, 1-қavat манзилида давлат рўйхатидан ўтган "ASL SAM LUX" МЧК (СТИР 306 059 980) таъсисчисининг 2019 йил 19 июндаги қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 317-03-04.
Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари

нинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.
Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 27.12.2018 йилда 659179-сонли рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, А.Жалилов кўчаси, 24-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "MILKING DAY" ХК (СТИР 305 923 699) таъсисчисининг 2019 йил 18 июндаги 2-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 773-78-98.
Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 24.12.2018 йилда 658515-сонли рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 30-мавзе, 47-уй, 25-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган "NEW HAPPY LIFE" МЧК (СТИР 305 918 649) таъсисчисининг 2019 йил 17 июндаги 2-сонли қарорига асосан тугатилди.
Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 959-28-78.

РЕКЛАМА



ASAKA BANK

Ҳурматли тадбиркорлар!

"АСАКА" БАНК

бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун қуйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кредитлар таклиф этади:



Хитой Халқ Республикаси Давлат Тараққиёт Банки



Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки "Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида



Халқаро Тараққиёт Агентлиги "Ўзбекистон Республикасида қорвачилик соҳасини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида



Туркия Республикаси Эксимбанки



КФВ Ипекс Банк (Германия)



Ландесбанк А.Г. (Германия)



Коммерцбанк А.Г. (Германия)



Корея Республикаси Эксимбанки

Маълумот учун телефонлар: (78) 120-82-01, 120-82-09, 120-82-24, 120-82-62, 120-82-96, 120-86-83.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.